



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUGI

2015 yil “ 04 ” 03 _____

№ 81 _____

Toshkent sh.

ОИВ инфекцияси бўйича миллий клиник протоколларни амалиётга тадбиқ этиш тўғрисида

ОИВ инфекцияли беморларни даволаш, уларни парвариш қилиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ОИВ инфекцияси профилактикаси борасида олиб борилаётган тадбирларнинг самарасини ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1.Куйидагилар:

“ОИВ - инфекцияли беморларнинг диспансер назорати” бўйича миллий клиник протокол 1- иловага;

“ОИВ инфекцияси профилактикаси ва беморларни даволаш мақсадида антиретровирус препаратларини қўллаш” бўйича жамланган миллий клиник протокол 2- иловага;

“Ретровирусга қарши препаратлар ва диагностикаларни тақдим этишни бошқариш бўйича стандарт операцион муолажалар” 3- иловага;

“ОИВ/ОИТСни умумий симптомлари ва оппортунистик инфекцияси бор беморларни олиб бориш” бўйича миллий клиник протокол 4- иловага;

“Сил ва ОИВ-инфекция: қўшма инфекцияли шахсларни олиб бориш тактикаси” бўйича миллий клиник протокол 5- иловага;

“ОИВ – инфекцияли шахсларга паллиатив ёрдам кўрсатиш” бўйича миллий клиник протокол 6- иловага;

“ОИВ - инфекциясини мулоқотдан кейинги юқишини олдини олиш” бўйича миллий клиник протокол 7- иловага;

“Вирусли гепатит В ва ОИВ-инфекцияси: коинфекцияли шахсларни олиб бориш тактикаси” бўйича миллий клиник протокол 8- иловага;

“Вирусли гепатит С ва ОИВ-инфекцияси: коинфекцияли шахсларни олиб бориш тактикаси” бўйича миллий клиник протокол 9- иловага;

“ОИВ билан яшовчи шахсларнинг репродуктив саломатлигини қўллаб-қувватлаш” бўйича миллий клиник протокол 10- иловага;

“ОИВ - инфекцияли беморларда тери касалликлари ва жинсий йўл билан юқувчи инфекцияларнинг клиник кечиши хусусиятлари ҳамда уларни олиб бориш тактикаси” бўйича миллий клиник протокол 11- иловага;

“ОИВ – инфекциясини онадан болага бевосита юқишини олдини олиш” бўйича миллий клиник протокол 12- иловага;

“ОИВ – инфекцияли ва ОИВ – инфекцияси юқиш хавфи юқори бўлган шахслар иммунизацияси” бўйича миллий клиник протокол 13- иловага;

“ОИВ - инфекцияли болаларни парваришлаш, уларга тиббий - психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш” бўйича миллий клиник протокол 14- иловага асосан тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги ДПМлар, тиббий илмий амалий марказлар (ТИАМ), илмий – текшириш институт (ИТИ)лари раҳбарларига:

ОИВ инфекцияси бўйича миллий клиник протоколлар амалиётга тадбиқ этилишини таъминласин;

ретровирусга қарши терапияни тайинлаш ва ўтказиш мониторинги “ОИВ инфекцияси профилактикаси ва беморларни даволаш мақсадида антиретровирус препаратларини қўллаш” тўғрисида жамланган миллий клиник протоколлар асосида олиб борилишини таъминласин.

ДПМларда ОИВ – инфекцияли шахсларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг барча турлари, жумладан тор доирадаги мутахассислар кўриги сир сақланишига риоя этган ҳолда, миллий клиник протоколлар асосида олиб борилишини ташкил этсин.

3. Республика ОИТСга қарши курашиш маркази директори Н.С.Атабеков, РМИАФваПТМ директори М.Н.Гиллашайхов ва ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказлари бош шифокорларига:

ОИВ инфекцияси бўйича жамланган миллий клиник протоколларни тадбиқ этишда даволаш - профилактика муассасаларига услубий ёрдам кўрсатиш;

тиббий ходимлар, психолог, ижтимоий ва бошқа соҳа ходимлари учун ўқув семинарлари ўтказишни ташкил этиш топширилсин.

4. СЭНББ бошлиғи К.К.Мухамедов, ДПЁТҚББ бошлиғи Д.Б.Миразимов ва ОваБМҚББ бошлиғи С.И.Исмаилов ҳудудий Соғлиқни сақлаш бошқармаларига ОИВ – инфекцияли шахсларга замонавий тиббий – диагностик хизмат усуллари, жумладан миллий клиник протоколлар асосида ретровирусга қарши терапия ва ОИВ – инфекциясини онадан болага бевосита юқишини олдини олиш чора – тадбирларини ДПМларга тадбиқ этишда ёрдам кўрсатсин.

5. Врачлар малакасини ошириш институти ректори Д.М.Сабилов ушбу буйруқ билан тасдиқланган Миллий клиник протоколларни тиббий кадрларни дипломдан кейинги қайта тайёрлаш тизимига жорий этсин.

6. Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш Бош бошқармаси бошлиғи Б.А.Ҳашимовга:

ОИВ – инфекцияли беморларни текшириш мақсадида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғими ва силга қарши диспансерлари учун ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари миқёсида марказлашган ҳолда рентген плёнкаларни сотиб олиш;

Республика ОИТСга қарши курашиш марказининг такдим этган талабномасига асосан оппортунистик касалликларнинг профилактикаси учун изониазид ҳамда таркиби сульфометаксазол ва триметопримдан иборат бўлган мажмуавий препаратларни марказлашган ҳолда сотиб олиш бўйича таклиф киритсин.

7. Мазкур буйруқ чиқарилиши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 4 январдаги 4-сонли, 2009 йил 18 мартдаги 74-сонли, 2010 йил 8 январдаги 10-сонли, 2012 йил 30 мартдаги 88-сонли, 2013 йил 29 ноябрдаги 402-сонли, 2014 йил 5 июлдаги 230-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.А.Худаяров, вазир ўринбосарлари С.С.Сайдалиев ва Л.Н.Туйчиев зиммаларига юклатилсин.

Вазир

А. Алимов

Кирилди:

СЭНББ бошлиғи

К.К. Мухамедов

Келишилди:

Вазирнинг биринчи ўринбосари

А.А. Худаяров

Вазир ўринбосари

С.С. Саидалиев

Вазир ўринбосари

Л. Н. Туйчиев

Назорат инспекцияси бошлиғи

А.А. Садиқов

ДПЁТҚББ бошлиғи

Д.Б. Миразимов

ОваБМҚББ бошлиғи

С. И. Исмаилов

Юридик хизмат бошлиғи

Р.И. Мухаммадиев